

Қатарда янги Қуръон ҳофизлари имтиҳондан ўтмоқда



07:45 / 12.03.2019 2070

Бу ҳар йили Диний иршод ва талбиғ идорасининг Қуръони карим бўлими томонидан ўтказиладиган синов ҳисобланади. Ал-Араб ахборот сайтининг маълум қилишича, Қатар Дин ишлари ва Вақф вазирлиги ҳузуридаги Қуръони карим марказларида 2018 йилда битирган янги ҳофизларни имтиҳондан ўтказиш ишлари бошланган. Бу имтиҳон мамлакатдаги барча Қуръони карим марказларини бошқариб турувчи Зуҳо Алсад вилоятидаги Диний иршод ва талбиғ идорасининг Қуръони карим бўлимининг етук олимлари раҳбарлиги остида ўтказилмоқда. Уч кун давом этадиган ушбу имтиҳонда бутун мамлакат бўйлаб 61 та Қуръон марказидан жами 145 киши ўз билимларини синовдан ўтказадилар.

Islom.uz портали таҳририяти